



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАШҚИ ҚАРЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

**Алимов Ильхомжон Икромович**

Тошкент давлат транспорт университети "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси доценти

email: [ilhomikromovich2805@gmail.com](mailto:ilhomikromovich2805@gmail.com)

**Салимов Баходир Бахтиёрвич**

Тошкент давлат транспорт университети "Транспорт иқтисодиёти" кафедраси доценти

email: [baходirsalimov41@mail.ru](mailto:baходirsalimov41@mail.ru)

| ARTICLE INFORMATION                                                                                                                              | ABSTRACT                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>Volume: 1<br/>Issue: 9<br/>DOI: <a href="https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss9/a13">https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss9/a13</a></p> | <p>Мазкур мақолада ташқи қарзнинг моҳияти уни юзага чиқиш сабаблари ва ташқи қарзни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Мамлакатимизда кейинги вақтларда йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда асосан давлат ташқи қарзларидан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу йўналишда ички имкониятлардан кам фойдаланилмоқда. Мақолада қиёсий таҳлил усули асосида Ўзбекистонда транспорт тизимини ривожлантиришда ташқи қарзлардан фойдаланиш масалаларига муаллифлик баҳоси берилган.</p> |
| <p><b>KEYWORDS</b></p>                                                                                                                           | <p><i>Давлат, қонун, темир йўл, автомобиль йўли, транзит, коридор, бюджет, давлат ички қарзи, давлат ташқи қарзи, кредит.</i></p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |

### Кириш (Introduction/Введение)

1996 йиллардан бошлаб Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари ўртасида юзага келган зиддиятлар натижасида транспорт тизимида узилишлар пайдо бўлди. Ушбу давлатларнинг миллий темир йўл компаниялари Ўзбекистондан темир йўлларда юк ва пассажирлар ташишдаги транзит тўловини хорижий валютада тўлаб беришни қатъий талаб қилдилар. Жуда кўп ҳолатларда темир йўлларни ёпиб қўйишган. Дастлаб ушбу ҳолат Ўзбекистоннинг Хоразм, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон Республикаларининг бошқа ҳудудлар билан темир йўллари орқали олиб борадиган алоқаларнинг узилиши билан бошланган. Кейинроқ ушбу ҳолат республиканинг бошқа ҳудудларида юзага чиққан. Ўзбекистон учун айниқса 10 миллион аҳоли яшайдиган ва республикани ёқилги таъминлайдиган ягона Фарғона нефтни қайта ишлайдиган заводи жойлашган Фарғона водийси транспорт йўлагиди муаммони ҳал этиш талаб қилинган. Ўзбекистонни қолган барча ҳудудларини Фарғона водийси билан боғлайдиган автомобиль транспорт йўлагини умуман ёпилиши республика раҳбариятидан кескин амалий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қилган. Ўзбекистон Республикасининг ўша йилларда давлат бюджети катта тақчиллик билан ижро этилаётганлиги сабабли республика раҳбарияти ташқи қарзлардан кенг фойдалана бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини ривожлантиришда давлат қарзлари, шунингдек иқтисодиётни самарали бошқарилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида" ПФ- 60-сонли Фармонида келтирилган учинчи устувор йўналишдаги "Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш" тўғрисидаги 21-мақсадида ҳам миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва давлат қарзларини самарали бошқариш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори

суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни -1,6 барабар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни- 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромаддан ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш учун замин яратиш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2022 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш ҳамда давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсад қилиб белгиланган.[1] Шунинг учун миллий иқтисодиётни ривожлантиришда давлат қарзларини бошқаришнинг назарий-амалий асосларини янада такомиллаштириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи (Обзор литературы по теме/ Review of literature on the subject)

Миллий иқтисодиётни, шу жумладан транспорт соҳасини ҳам ташқи қарзлар ёрдамида ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг нуфузли халқаро молия- кредит ташкилотлари, жумладан, International Bank for Reconstruction and Development,[2] Center on Budget and Policy Priorities,[3] National Association Of State Budget Officers[4] томонидан амалга оширилмоқда. Халқаро амалиётда иқтисодий адабиётларда етакчи иқтисодчи олимлар ҳар бир давлатнинг миллий иқтисодиётини ташқи қарзлар ёрдамида ривожлантириш ва ташқи қарзларни бошқаришнинг муаммоларига катта эътибор қаратиб келишган ва ҳозирда ҳам эътибор бермоқдалар. Хорижлик етакчи иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган кўлаб тадқиқотларда миллий иқтисодиётни ташқи қарзлар ёрдамида ривожлантириш ва ташқи қарзларни самарали бошқариш борасида илмий хулосалар шакллантирилган. Хусусан, Ж.М.Кейнс,[5] П.Пегкас,[6] В.Ю.Касатанов,[7] Г.Б.Поляк[8] В.К.Сенчагов[9] каби етакчи иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий

хулосаларида мамлакат ва жаҳон миқёсидаги ташки қарз муаммосига алоҳида эътибор қаратганлар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар иқтисодиёт фанлари докторлари, профессорлар Т.С. Маликов, О.О. Олимжонов ва Н.Х. Хайдаровларнинг [10,11,12] илмий изланишларида Ўзбекистонда давлат бюджетини тақчиллигининг моҳияти ва унинг хусусиятлари ёритиб берилган. Мақола муаллифи ўзининг монографиясида республикада давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда ички имкониятларга эътибор берган.[13] Мамлакатимизда давлат ташқи қарзлари муаммосини ўрганиш билан бирга, иқтисодиёти тараккии топган ва ривожланаётган мамлакатларнинг давлат ташқи қарзларини юзага чиқиш сабабларини таҳлил этиш ва уларда ташқи қарзларни қисқартириш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирларни ўрганиш, бизга, ушбу соҳада келажакда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоаларни олдини олиш имкониятини яратди.

#### Тадқиқот методологияси (Методология исследования/Research methodology)

Тадқиқот олиб бориш ва натижаларни асослаш мақсадида илмий абстракциялаш, мантикий мушоҳада, адабиётларни танқидий ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш, тизимли таҳлил ва иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақоланинг услубий асоси сифатида хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг адабиётлари ва мақолалари таҳлил этилган. Хозирда мамлакатимизда давлат қарзини таҳлил этишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий маълумотлари ва Жаҳон банкнинг расмий сайтидаги маълумотларидан фойдаланилди.


#### Натижа ва муҳокама (Результат и обсуждение /Result and discussion)

Ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда давлат бюджетининг бошқаришда давлат ташқи қарзи ва уни бошқариш масаласи жуда муҳим аҳамият касб этади. Давлат қарзини шаклланиши ва уни бошқариш жараёнини ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган, давлатлар ўртасида ва хўжалик субъектлари ўртасида жойлаштириладиган моддий, молиявий ҳамда интеллектуал ресурсларни тақсимлаш, алмаштириш ва истеъмоли борасида юзага келадиган жуда мураккаб иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатида қўриб чиқиш мумкин. Давлатнинг қарз олиши:

-биринчидан, давлат бюджетида давлат даромадлари ва харажатлари ўртасида мувозанат бўлмаган ҳолатда, яъни тақчиллик юзага чиққанда амалга келиши мумкин;

- иккинчидан, мамлакатда кўп йиллик йирик давлат лойиҳаларини амалга оширишни молиялаштириш билан боғлиқ бўлиши мумкин

-учинчидан, мамлакатдаги фавқулотда вазиятлар (урушлар, табиий офатлар ва бошқалар) натижасида, мавжуд захиралар етишмай қолганда ва алоҳида турдаги манбаларга мурожат қилишга тўғри келганда пайдо бўлади. Халқаро амалиёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёнинг жуда кўплаб мамлакатлари миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва давлат бюджетини тақчиллигини ноинфляциян йўллар билан қоплаш мақсадида давлат ташқи қарзларидан кенг фойдаланишган.[7] Буни биз қуйидаги расмда келтирамиз.




1-расм. Давлат қарз олишнинг асосий омиллари<sup>1</sup>

Таъкидлаш лозимки, худди шундай ҳолат ҳозирги даврда Ўзбекистонда кузатишда деб ҳисоблашимиз мумкин.

Европа Иттифоқига аъзо ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ўзларининг ривожланиш босқичларида давлат ташқи қарзи ва давлат бюджетини тақчиллигини ўзига хос тажрибага эгадирлар.

Айнан, еврохудоуд мамлакатларида (еврохудоуд мамлакатларига ҳозирда 27 мамлакат қиради) Маастрихт шартномасида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар – учун “евро зонаси”да иштирок этишлари учун 1993 йил 2 майдан бошлаб қуйидаги давлат ташқи қарзи миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60.0 фоиздан ортмаслиги лозим (ёки ушбу қўрсаткичга барқарор яқинлашиб боришлик мумкин қатъий мезон ўрнатилган.[10]


Халқаро амалиётда давлат қарздорлиги ўз моҳиятига асосан икки гуруҳга ажратилади: ички ва ташқи қарз. Давлатнинг ички қарзи мамлакат аҳолисида ва маҳаллий хўжалик юритувчи субъектлардан, шу жумладан, тижорат банкларидан қарз олиши натижасида юзага келган қарздорликдир. Давлат ташқи қарзи – бу муайян бир давлатнинг бошқа хорижий давлатлар ҳукуматлари, халқаро молия институтлари ҳамда дунёдаги Лондон клубига аъзо йирик тижорат банкларидан кредитлар олинishi натижасида юзага келган қарздорликлардир. Биз буни қуйидаги расмда келтирамиз (2-расм).



2-расм. Халқаро амалиётда давлат қарзининг таркиби<sup>2</sup>

Халқаро амалиётда давлат умумий ташқи қарзи икки гуруҳга ажратилади:

- давлат қарзи ва давлат томонидан қафолатланган қарзлар (давлат ташқи қарзи);
- қафолатланмаган ташқи қарз (хусусий ташқи қарз). Биз буни



3-расм. Халқаро амалиётда давлат умумий қарзи таркиби<sup>3</sup>

Ўзбекистонда давлат қарзи ва давлат томонидан қафолатланган қарзлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилинишида белгилаб қўйилади. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886 сонли қонуни қабул қилинди. 2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг қафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоладиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 5,0 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тақчиллигини молиялаштириш учун — 2,5 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун — 2,5 млрд АҚШ доллари миқдоридан белгиланган. [16]

Халқаро амалиётда қафолатланмаган ташқи қарзлар давлат томонидан қафолатланмаган ва мамлакатдаги хўжалик субъектларини хориждаги йирик тижорат банклари ва халқаро молия ташкилотларидан олинadиган қарзлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида хусусий ташқи қарзлар асосан мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик тижорат банклари, энергетика сектори (нефть ва газ), тоғ-кон ва металлургия саноати ҳамда бошқа секторлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг март ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирган. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг молиявий ташкилоти ҳисобланadиган Халқаро Валюта Фондига 1992 йилнинг 21 сентябрида аъзо бўлиб кирган. 1992 йилнинг 2 июнида Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банкига (Жаҳон Банки) аъзо бўлган.

Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида илк бор хорижий кредитларни айнаан Халқаро Валюта Фонди ва Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банкидан олган. Шунингдек таъкидлаш лозимки, ушбу молия ташкилотларидан олинган дастлабки кредитлар миллий иқтисодиётни ривожлантиришга эмас, балки асосан таълимни ривожлантиришга, сув таъминотини яхшилашга, шаҳар транспорт инфратузилмасини ҳамда молия-банк соҳаларини қайта қуришга ва бошқаларга ажратилган. Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётни аста-секин тикланиши ва ривожланиш даражасига етгани ҳисобига кредиторлар сафи ўзгариб борган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Осиё Тараққиёт Банкига 1995 йилнинг 31 августида аъзо бўлиб қирган. Осиё Тараққиёт Банкидан олинган биринчи кредит мамлакатимизда темир йўл транспортини ривожлантириш ва янги темир йўл линияларини қуришга ажратилган.

Мамлакатимизда янги темир йўлларни қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш мақсадида 1997 йилда Осиё тараққиёт банкидан олинган 70 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар ҳисобига "Навоий-Учкудук-Султон Увайистог-Нукус" темир йўллари қурилиб ишга туширилди. 1998 йилда Осиё тараққиёт банкидан олинган 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар ҳисобига Тошкент шаҳридаги 1-инчи пассажир вагонларига хизмат кўрсатувчи депо модернизация қилинди. Хитой тараққиёт банкидан олинган кредитлар ҳисобига "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" ва "Ангрен-Поғ" янги темир йўл линиялари қурилиб ишга туширилди. Фарғона водийсида "Савой-Хонобод" янги темир йўли қурилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон ҳудудида юқларнинг ички ва халқаро транзитини ишончли равишда таъминлайдиган транспорт ва логистика тизимлари такомиллаштирилди. Бу эса қўшни мамлакатлардан йилига юқлар ва йўловчилар ташиш учун тўланадиган халқаро транзитлар учун бир неча юз миллион АҚШ долларини тежаб қолишга имконият яратмоқда.

## References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot Strategiyasi to'g'risida" gi PF- 60-sonli Famoni. // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. - T.: 2022.
2. International Debt Statistics 2020. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank.
3. <https://www.cbpp.org/research/policy-basics-the-abcs-of-state-budgets>;
4. <https://www.nasbo.org/reports-data/budget-processes-in-the-states>;
5. Keynes, John Maynard. The General Theory of Employment, Interest and Money, Macmillan Cambridge University Press, 1936. URL: <https://www.marxists.org/reference/subject/economics/keynes/general-theory/index.htm>.
6. Pegkas P. (2018) The effect of government debt and other determinants on economic growth: The Greek experience. Economies 6 (1).
7. Государственный долг и внешние активы. Учебное пособие под ред. проф. В.Ю. Касатонова. - М.: ИНФРА. 2010.
8. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник под ред. академика Г.Б.Поляка. -М.: Валтерс. 2010.
9. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник под ред. академика. В.К. Сенчагова, А.И. Архипова.- М.: Проспект. 2001.
10. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Дарслик. -Т.: Iqtisod vamoliya. 2009.
11. Маликов Т. С., Олимжонов О.О. Молия. Дарслик. -Т.: Iqtisod-moliya. 2019.
12. Маликов Т. С. Молия: назарий асослар. Ўқув қўлланма. -Т.: Iqtisod-moliya. 2021.
13. Алимов И.И. Молия назариялари. Монография. -Т.: Иқтисодиёт. 2022.
14. <http://www. Worldbank.org>- Жаҳон банкининг расмий сайти.
15. <http://www.fbu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб. сайти.
16. <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб. сайти...

## Хулоса(Conclusions/Заклучения).

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида ташқи қарзлар эвазига янги темир йўлларни қуриш, ишлаётганларини модернизация қилиш темир йўл инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилган. Лекин фикримизча республикаимизда темир йўл транспортини ривожлантириш учун ўз ечимини қутаётган муаммолар бор.

Мамлакатимизда ҳозирги даврда Ўзбекистонни денгиз портларига чиқиш Ўзбекистон-Афғонистон-Покистон ва Ўзбекистон- Қирғизистон-Хитой йўналишида темир йўлларни қуриш учун кенг музокаралар олиб борилмоқда. Бизнинг фикримизча, бу ерда энг асосий муаммо лойиҳаларни молиялаштириш масаласи ҳисобланади. Бунинг сабаби Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳозирги вақтда катта тақчиллик билан ижро этилмоқда, ушбу омил эса темир йўл қурилишини давлат бюджетидан молиялаштириш имкониятини чеклайди. Фикримизча, мавжуд муаммони ижобий ҳал этишнинг қуйидаги икки йўналиши бор:

-биринчиси, темир йўлларни қурилишини молиялаштириш учун ташқи қарзларни жалб этишни давом эттириш керак;

-иккинчиси темир йўлларни қуришда давлат номидан ташқи қарз олишни камайитириш мақсадида лойиҳаларига қўпроқ хусусий капитални жалб этиш лозим.

Ўзбекистонда инвесторлар учун жуда қулай инвестицион муҳит, солиқлар бўйича имтиёзлар ва преференциялар тизими яратилган. Шу билан бир қаторда хорижий инвестициялар учун ишончли кафолатлар яратилган. Юқоридаги тақлифларни амалиётга киритилиши мамлакатимизда давлат қарзини ички имкониятлар ҳисобига молиялаштиришда маҳаллий сармоядорларнинг мавқенин ошишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисоблаймиз.